

Ҳадис дарслари (216-дарс) Қазои ҳожат вақтида гаплашмаслик



نَعْنَاعُهُلَّا يَضْرِدِيَعَسِيْبَأْنَعْمَلَسَوْهَيَلَعُهُلَّا يَلَصِيْبَنَلَا
نَأْبِرْضَيِنَأْلُجَرَلَأْجُرَخَيِأْلَقَأْمَهْتَرْقَعَنَعْنَيِفَشَأَكَطِئَأْغَلَا
لَجَوْنَعَهُلَّا نَإِفَنَأْثَدَحَتَيِ
دُواَدَوْبَأْهَأَوَرَكَلَذَيَلَعُتْقَمَيِ.

Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Икки киши қазои ҳожатни ирода қилиб чиқиб, авратларини очиб,

гаплашавермасин. Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келур», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда хало одобига хилоф нарсалар ҳақида сўз бормоқда. Ҳадиси шарифга биноан, икки киши бир-бирига яқин жойда қазои ҳожат қилмаслиги, авратини очмаслиги ва гаплашмаслиги керак.

Умуман, бирорга яқин жойда қазои ҳожат қилиш, авратини очиш ёки қазои ҳожат вақтида гаплашиш ҳеч қайси бандага тӯғри келмайдиган иш. Бундай ишни қилиш қанчалик ёмон эканлигини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келур**» деган гапларидан ҳам тушуниб олсак бўлади.

بِلَاقُهُنْعُلَلِي ضَرَرْمُعْنُبَارَنْعَلَلِي لَصِيَّلَعْلَجَرَرَمْ
مَلَسَفُلُوبَيْوُهَوْمَلَسَوْيَلَعْدَرِيْمَلَفَهِيَلَعْ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат ушатаётганларида бир киши яқинларидан ўтаётиб, салом берган эди, алик олмадилар».

Аввалги ҳадислардан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қазои ҳожат учун одам кўрмайдиган жойга боришларини билиб олган эдик. Уларда бавл қилган вақтларида узоққа кетмас эдилар, деган гап йўқ эди. Шундан мазкур салом берган одам йўловчи бўлиб, билмасдан ўтиб қолган кўринади.

Ҳадисдан таҳорат ушатаётган одамга салом бериб бўлмаслиги, таҳорат ушатаётган одам салом берган одамнинг саломига алик олмаслигини билиб оламиз. Бундан олдинги ҳадисда оддий гапни ҳам гапириб

бўлмаслиги айтилган эди.

Ушбу ҳадиснинг бошқа ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат ушатиб бўлиб, бориб, таҳорат қилғанлар. Сўнгра келиб, салом берган одамга узр айтганлар. «Таҳоратсиз ҳолда Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилишни ёқтирмадим», деганлар. Бу эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олий ахлоқ әгаси эканликлариға ёрқин далилдир. Аслида бундай ҳолатда умуман гапириб бўлмайди.

Уламолар «Фақат ноилож қолганда, ҳалокатга кетаётган кўр одамни огоҳлантиришга ўхшаш ҳолатлардагина қазои ҳожат қилаётган одам гапирса бўлади», деганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди